

МАЛАКА ОШИРИШ КУРСЛАРИНИ КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЁРДАМИДА ТАШКИЛ ЭТИШ

Р.С. Шермухамедов

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

Аннотация: Ушбу мақолада малака ошириш курсларини компьютер технологиялари ёрдамида ташкил этиш масалалари ёритилган.

Калим сўзлар: малака, аниқлик, тажриба, таҳлил, технология

ORGANIZATION OF PROFESSIONAL COURSES WITH COMPUTER TECHNOLOGIES

R.S. Shermuxamedov

Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

Abstract: This article deals with the organization of advanced training courses using computer technology.

Keywords: qualification, accuracy, experience, analysis, technology

Ҳозирги кунда малака ошириш тизимида амалга оширилаётган туб ўзгаришлар, бу тизимдаги таълим шакллари ва методларини қайта таҳлил қилиш ҳамда такомиллаштиришни талаб қилади.

Кейинги йилларда илғор таълим муассасаларида тўпланган тажрибалар шуни кўрсатдики, таълим самарадорлиги мультимедияли интерфаол дастурий таъминотни ва компьютерли ҳамда интернет технологияларни қўллаш орқали эришиш мумкинлигини кўрсатди. Компьютер умумқасбий фанларини ўқитишда самарали дидактик воситаси ҳисобланади. Таълим жараёнига компьютер технологияларини қўллаш

тингловчиларнинг касбий билим, кўникма ва малакаларини кенгайтиради. Таълим олувчилар фаоллашади, кўпроқ билим олувчи тингловчиларнинг кўшимча шуғулланишлари учун имконият яратадилади. Шу билан бирга ўзларинанг билимларини баҳолашлари учун имконият ярагилади. Шунинг таъкидлаш жоизки, муваффақиятли таълим тизими юксак малакали ва педагогик маҳоратга эга илғор ўқитувчилардан бошланади. Компьютер воситасида ўқитишда ўқитувчи таълим жараёнида марказий фигура ҳисобланади. Компьютер ўқитувчи ўрнини боса олмайди, фақат унга кўшимча дидактик восита бўлиб хизмат қилади.

Информацион технологиялар ўқитувчи фаолиятини ўзгартиради. Ўқитувчининг ахборот-коммуникация воситаси ёрдамида тингловчиларга тайёр билимларни бериш эмас, балки уларга янги билимларни мустақил излаш ва топиш кўникмаларини шакллантиради.

Анъанавий ўқитишдан интерактив ўқитишнинг фарқи шундаки, ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги муносабат ўзгаради, яъни ўқитувчи фаоллиги ўқувчи фаоллигига ўтади, ўқитувчининг фаолияти эса фақат таълим жараёнини самарали ташкил этишда ва унда маслаҳатчи сифатида қатнашишдан иборат бўлади.

Ўрганилаётган материалларни мультимедияли тарзда ишланган компьютер дастурлари тингловчиларнинг интерактив фаолиятини оширади. Бундай дастурлар тингловчининг ўрганилаётган материал устида ишлаш жараёнида қайта алоқани амалга ошириш, яъни, ўрганилаётган материални мустақил равишда ўзлаштиришини ташкиллаштириш имконини беради.

Умумқасбий фанларини ўқитишда компьютер технологияларидан фойдаланишда қуйидагиларни тавсия этиш мумкин:

- Мақсадга мувофиқлик;
- Аниқлик;
- Тўлиқ қамровли бўлиши.

- Изчиллик;
- Энг қуйи зарурий чегарани аниқ белгилаб бериши;
- Назария ва амалиётни уйғунлиги.

Малака ошириш курсларида ўқитиш воситаларини қўлланишини кўриб чиқамиз:

Биринчи босқич тингловчиларнинг билим олишга бўлган қизиқишини шакллантириш. Бу босқичда асосий вазифа ўрганилаётган мавзунини аҳамиятини кўрсатиш, унинг энг қизиқарли, ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқиш. Бу босқичда компьютер кўмаги сифатида ўрганилаётган предметга доир қизиқарли далил ва ҳодисаларни кўрсатадиган дастурлардан фойдаланиш мумкин. Биринчи босқичда мавзунини ўрганиш учун зарур бўладиган ва тингловчиларда мавжуд бўлган билимларни аниқлайдиган ва йўналтирадиган кириш тестларидан фойдаланиш ҳам яхши натижа беради

Иккинчи босқичда, ўрганилаётган предметнинг мазмунини изчиллик билан батафсил ўрганишдир. Ўқитувчи ва тингловчинини бу босқичдаги асосий вазифаси янги материални тадқиқ ва таҳлил қилишдан иборат. Янги мавзу мазмунини тақдим этишда кўпинча иллюстратив материаллардан фойдаланиш эҳтиёжи туғилади. Бунинг учун зарур бўлган анимациялардан фойдаланиш имконини берувчи компьютер кўмаги зарур. Иккинчи босқичда компьютер дастурларидан фойдаланишда таълим жараёнини битта компьютер ёрдамида ташкил қилиш муҳимдир.

Учинчи босқичда, ўрганилган предмет устида дастлабки ишлашни ташкил этишдир. Бу босқичда ушбу фаннинг илмий тилини эгаллашга, асосий атама ва тушунчаларини ўрганишга алоҳида эътибор бериш зарур. Керакли билимни эгаллаш учун тингловчилар якка тартибда шуғулланиши мақсадга мувофиқ бўлади, бунда ҳар бир тингловчи асосий қоидаларини мустақил равишда ўрганиш имкониятига эга бўлади. Тингловчиларнинг якка тартибда материални ўзлаштириш имконини берувчи энг қулай

восита мультимедиа модуллариدير. Бу босқичда дастурда тингловчининг ўрганилаётган предмет билан интерактив фаолияти кўзда тутилган ҳолларда мультимедиялардан фойдаланиш ижобий натижа бериши мумкин.

Тўртинчи босқич, мустақил ишлаш босқичи бўлиб, тингловчилар ўрганилган мавзуларни мустақил равишда ўрганадилар, ҳар бир мавзунини ўзлаштириб бўлгандан сўнг, тест синовини топширадилар. Агар етарли даражада баҳоланмаса, қайта ўзлаштириш тавсия этилади. Тестлар тушунарли, равшан тарзда ифодалаган бўлиши, ҳар бир жавоб тингловчига тўғри жавобни топишга мустақил равишда ҳаракат қилиши учун ёрдам берадиган маълумотлар кўрсатадиган йўлланмаларни берадиган бўлиши керак.

Бешинчи босқич, ўзлаштириш босқичи бўлиб, тингловчилар томонидан ўқув материални ўзлаштирилиши натижаларини текширишдан, яъни якуний баҳолашдан иборат. Бу босқичда тингловчилар чиқиш тестини топширадилар. Ўқитувчи тингловчи ўзлаштирган материалнинг умумий ҳажмини, берилган типик масалаларни еча билишинигина эмас, балки ўзлаштирган билимларини ижодий характердаги масалаларни ҳал қилишда қўллай олишини ҳам назорат қилиши керак.

Шундай қилиб, турли компьютер дастурларидан фойдаланиш тингловчиларнинг умумқасбий фанларини ўзлаштиришини ташкил этишни тўлиқ таъминламайди. Билимларни ўзлаштириш жараёнида компьютер кўмагини илмий асосланган тарзда тузиш учун ўқув жараёнига узвий равишда киритилган ва босма материаллар каби ўқитишнинг анъанавий воситалари билан уйғунлашган, ўзаро боғлиқ бўлган мураккаб компьютер дастурлари талаб қилинади.

REFERENCES

1. Ш. М. Мирзиёев “Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир”. Ўзбекистон-2018йил

2.И.А.Каримов. Баркамол авлод- Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ, 1997.- 64 б

3. Лухманов, Д. Б. (2020). Меҳнат тарбияси орқали ўқувчиларнинг ижтимоий ҳаётга мослашишларини таъминлаш. Academic Research in Educational Sciences, 1 (3), 1051-1056.

4.Luxmanov D.B. The use of national traditions in the labor education of pupils// Academia,2020.Volume 10,Issue 10,pp 300-305